



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№1

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д. Ф.А.Сафаров

катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:

и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.**

Таҳририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғойбназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

МУНДАРИЖА :

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мурод Мухаммедович Мухаммедов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Иқтисодий тафаккур – иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили	5
Muxitdin Abduxamidovich Aynakulov Klaster doirasida xizmat ko‘rsatish kooperatsiyasini tashkil etish va rivojlantirish tamoyillari va shakllari	16
Barchinoy Shonazar qizi Mavlanova Erkin iqtisodiy zonalar faoliyatining o‘ziga xos xususiyatlari	21
Бахтияржон Бултурбаевич Муллабаев Худудлар ривожланишидаги номуносибликни камайтиришда хорижий тажрибалардан фойдаланиш	24
Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов Марказий Осиёда иккинчи ренессансга асос солишда Амир Темур ва теурийларнинг хизматлари	31
Nodir Djumanazarovich Khusanov O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyotini rivojlantirishda strategiya va mexanizmlarni doimiy ravishda takomillashtirish yo‘llari	35
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Shamsiddin Kiyamiddinovich Yuldashev, Lola Nazarovna Khalikova The role of human capital in forming the digital economy	40
Mavluda Azamatovna Shodmonova Raqamlashtirishning logistika samaradorligiga ta’siri	42
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Ruziboy Normaxmatov, Jasur Kaharov, Akram G‘afurov Olma mevasi – biologik faol moddalarning muhim manbaidir.	45
Отабек Джурабаевич Джурабаев Определение направлений оптимизации операционной стратегии и повышение экономического потенциала хлопково-текстильных кластеров	48
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Присбек Иватов Аҳолига хизмат кўрсатишда деҳқон бозори фаолиятини ривожлантириш ва тартиблаштириш	56
Фарход Анварович Сафаров Мослашувчан бошқарув тамойиллари асосида хизмат кўрсатиш корхоналари рақобатбардошлигини таъминлаш	60
Baxtiyor Nusratovich Nosirov Mintaqaning uy-joy kommunal xizmatlar sohasida aloqa va axborotlashtirishni rivojlantirishni modellashtirish	64
Акмал Анвар ўғли Рахматов Мижозларга савдо хизматлари кўрсатишни такомиллаштиришнинг замонавий йўналишлари	70
Umid Xolboyevich Xolboyev Xizmatlar sohasi raqobatbardoshligini oshirishning nazariy masalalari	75
To‘lqin Ismatulla o‘g‘li Yahyoyev Qurilish xizmatlarini iqtisodiy tahlil obyekti sifatida xalqaro standartlar asosida tasniflash	77

Yuqoridagilardan kelib chiqib, erkin iqtisodiy zonalar faoliyatini rivojlantirish quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirishga imkon beradi:

- biznes uchun qulay muhitni yaratadi;
- innovatsiya va texnologiyalarni rivojlantiradi;
- eksport ishlab chiqarish hajmini oshiradi;
- xorijiy investor va mutaxassislarni keng jalb qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”ги PF-60-son Farmoni. <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>

2. Xujamkulov D.Y. Erkin iqtisodiy hududlar. Darslik. – T.: IQTISODIYOT, 2019. – 14 b.

3. Voxidova M.X. Erkin iqtisodiy zona - maxsus iqtisodiy zonaning bir ko‘rinishi sifatida. // Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 1, ISSUE 4, May, 2021. - 137-138 b. ISSN 2181-1784 Scientific Journal Impact Factor SJIF 2021: 5.423

4. Федяшева Г. Основные направления развития свободных экономических зон в Узбекистане. // Материалы XI Форума экономистов. - Ташкент: IFMR, 2019. - 284-289 с.

5. Rashidov M.K. Erkin iqtisodiy zonalarni rivojlantirishning jahon tajribasi. // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. №5, sentabr-oktabr, 2018-yil, 5/2018 (№ 00037). - 8-9 b. www.iqtisodiyot.uz

6. Сатторкулов О.Т., Узайдуллаев Ш.Ш., Турдикулова Г.О. Факторы развития свободных экономических зон в Узбекистане. // Ж.: Молодой учёный. Экономика и управление, №9 (299), февраль, 2020. - с. 62.

7. Хотамов I., Madraximova G. Sanoat iqtisodiyoti. Darslik. – T.: “Innovatsiyon rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2022. - 88 b.

Б.Мавланова	В.Мавланова
Особенности деятельности свободных экономических зон	Specific characteristics of the activity of free economic zones
<p>Аннотация: в данной статье освещается содержание организации свободных экономических зон, развитие их деятельности в нашей стране и их конкретные аспекты.</p> <p>Ключевые слова: экономическая зона, свободная экономическая зона, политика, реформа, инвестиции, фактор, проект.</p>	<p>Abstract: this article highlights the content of the establishment of free economic zones, the development of their activities in our country and their specific aspects.</p> <p>Keywords: economic zone, free economic zone, policy, reform, investment, factor, project.</p>

Бахтияржон Бултурбаевич Муллабаев – Наманган муҳандислик-қурилиш институти доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

ХУДУДЛАР РИВОЖЛАНИШИДАГИ НОМУТАНОСИБЛИКНИ КАМАЙТИРИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ривожланиш номутаносиблигини тартибга солиш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасидан оқилона фойдаланиш йўналишлари очиб берилган.

Калит сўзлар: минтақавий ривожланиш, номутаносиблик, инновацион жараён, мезонлар, худудий сиёсат, ресурслар, интеграция.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига ўхшаш ривожланиш анъаналарига эга, мамлакатнинг кўлами ва Европа Иттифоқи мамлакатларида худудий сиёсатга ҳам катта эътибор берилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, ушбу давлатларнинг ривожланиш фарқларини тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Худудий сиёсат умумий иқтисодий вазиятга қараб ўз йўналишларини ўзгартиради. 1960-1970 йилларда Европада фаол минтақавий можароларни камайтиришга қаратилган минтақавий сиёсатнинг компенсацион хусусияти 1980

йилларнинг бошларида рағбатлантирувчи сиёсатга ўзгартирилди.

Ривожланмаган ҳудудларга давлат ёрдами кўпайтириш ўрнига ҳудудларни ривожлантириш имкониятларини аниқлашга асосланган режалар ишлаб чиқилди. 1980 йиллардан бошлаб Европа Иттифоқининг минтақавий сиёсати “янги регионализм” назариясига асосланиб, унинг моҳияти минтақанинг ички (эндоген) салоҳиятидан фойдаланишдан иборат¹. Бундай механизм ҳудудларда ўз имкониятларидан фойдаланишнинг ички тизимини шакллантиришни ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда Европанинг минтақавий ривожланишини бошқаришда институционал конвергенция воситалари ҳам, иқтисодий хусусиятга эга механизмлар хусусан, таркибий фондларни яратиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Европа минтақавий ривожланиш жамғармаси, Европа ижтимоий жамғармаси, Европа қишлоқ хўжалигини мувофиқлаштириш ва қафолат жамғармасининг мувофиқлаштириш бўлими, Европа инвестиция банки, Бирлашиш жамғармаси ва алоҳида ҳудудлар ёки муайян фаолият соҳаси муаммоларини комплекс ҳал қилишга қаратилган бошқа махсус дастурлар пакетлари шулар жумласидандир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ушбу мақолада хорижлик олимлар Acharya A. [1], Baykov A.A. [2], Fawcett L. [3], Haas E. [4], Hettne B. [5], Katzenstein P.J. [6], Kuznetsov D.A. [7], Lagutina M. [8,9], Mikhaylenko E. [10], Mitrany D. [11], Söderbaum F. [12,13], Telo M. [14] ва бошқаларнинг илмий ишлари методлогик асос сифатида хизмат қилди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида илмий адабиётларда келтирилган назарий материалларга асосланган ҳолда мантиқий таҳлил усулларидан фойдаланилди. Мавжуд маълумотларни таҳлил қилишда индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил каби услублар ва ёндашувлар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Худудий сиёсат учун масъул бўлган Европа Иттифоқи органларининг асосий мақсади алоҳида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий қолоқлигини бартараф этишдир. Бу ташкилотлар минтақавий эҳтиёжлар учун субсидиялар ва имтиёзли кредитлар берувчи молиявий воситалардан, биринчи навбатда Европа Иттифоқи меъёрларига мувофиқ ишлайди. Минтақавий номутаносиблик муаммолари Европа Иттифоқининг таркибий фондларидан молиявий ёрдамни ҳисоблаш асосида ҳал қилинади².

Худудий ривожланиш учун таркибий фондлардан ажратиладиган молиявий ресурсларнинг миқдори сезиларли бўлиб, муаммонинг таҳдидига ва миллий ҳукуматларнинг уни ҳал қилиш қобилиятига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари Европа Иттифоқининг таркибий фондларининг маблағларига тўғридан-тўғри кириш имконига эга эмаслиги сабабли, турли лойиҳаларни (шу жумладан таркибий ўзгартириш лойиҳаларини) молиялаштиришнинг умумий тамойилларидан фойдаланиш, давлат томонидан молиялаштириш ва тушум ўртасидаги паритетни кузатиш мақсадга мувофиқдир. Европа Иттифоқи худудий сиёсатининг тамойиллари куйидагилардан иборат:

- ҳудудлар ўртасидаги тафовутлар, асосан, ҳудудларни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган мураккабликдаги аниқ дастурлар доирасида тақдим этиладиган маблағлар ёрдамида тенглаштирилади;

- депрессияга учраган ҳудудларга ёрдам маблағларининг махсус тузилмавий жамғармаларда тўпланиши ва улардан мақсадли фойдаланиш, бу маблағларнинг тарқалишининг олдини олиш ҳамда суиистеъмол қилиш даражасини камайтириш имконини беради;

- ҳар бир Европа Иттифоқи тузилмавий фондининг сиёсати 2 ёки 3 даражали режалаштириш жараёни бўйича ишлаб чиқилади, бунда ҳамкорларнинг турли комбинацияси мавжуд;

- агар Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ва алоҳида ҳудудлар ўз вазифаларини самарали бажара олмаса, субсидиарлик тамойилига мувофиқ ҳаракат қилиши керак³.

¹ Чуб А. А. Регионы России. Факторы устойчивости и институциональные предпосылки развития в условиях глобализации : монография. Москва : РИОР: ИНФРА-М, 2019. 232 с.

² Шевченко О. В. Зменшення диспропорцій соціально-економічного розвитку регіонів: інструменти та моделі. Modern Transformation of Economics and Management in the Era of Globalization : conference proceedings of the International Scientific-Practical Conference, January 29, 2016. Klaipeda : Baltija Publishing, 2016. 348 p. Pp. 221–224

³ . Regional economic policy of EU countries: experience for Ukraine: monograph / M. S. Gamov, A. O. Yegorov, G. L. Kladova, O. O. Nechai, O. P. Sarnatskyi. Zaporizhzhia: ZNTU, 2010. 192 p.

Худудий даражадаги трансформацияларнинг асосий хусусияти ақлли ихтисослашувга асосланган инновацион ва креатив иқтисодиётни жорий этишдир. Таркибий деформациялар ва минтақавий номуносивликка таъсир қилиш учун инновацион иқтисодиёт асосларини шакллантиришда Европа мамлакатлари тажрибасидан фойдаланиш ва уларни мослаштирилган ҳолда амалиётга жорий этишни қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида худудий даражада инновацион жараёнларни ислоҳ қилиш Интеграция жараёнларини кучайтириш контекстида ривожланган Европа давлатларининг ижобий тажрибасига ва ўзларининг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда халқаро стандартларини жорий этишга асосланган бўлиши керак.

Худудлар бўйича рақобатдош устунликларни қўлга киритишнинг давлат томонидан рағбатлантирилган жараёни ҳукуматга, бир томондан, солиқ механизмлари орқали маблағлар кириб келишига кўмаклашиш имконини берса, иккинчи томондан, худудларга бундай ҳукуклар бериб, унинг харажатлар қисми параметрларини минималлаштириш, худудий лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш учун ташқи инвесторлар маблағларини жалб қилган ҳолда бозорларга мустақил равишда чиқиш имконини беради. Яъни, ривожланишнинг муҳим муаммоларини ҳал этиш ва ривожланиш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида худудларни ҳар томонлама рағбатлантириш сиёсати Европа Иттифоқи мамлакатларида етакчи сиёсатга айланмоқда.

Айтиш жоизки, XXI асрнинг бошларида Европа Иттифоқи моҳиятан конструктив минтақавий сиёсат ишлаб чиқиладиган ва фаол амалга оширилаётган “Худудлар Европаси”, “Худудлар иттифоқи”га айланди. Бу алоҳида худудлар ўртасидаги ривожланиш даражасидаги тафовутни камайтириш, аграр интеграция, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш орқали амалга оширилди¹. “Бугунги кунда минтақавий сиёсат учта асосий йўналишга эга эканлигини таъкидлаш ўринлидир:

- биринчидан, кам ривожланган худудларга (асосан янги иштирокчи мамлакатларда жойлашган) ривожланган мамлакатлардан орқада қолишини камайтиришга ёрдам бериш учун иқтисодий яқинлашувни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилади;

- иккинчидан, худудларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда;

- стратегияларнинг учинчи тоифаси миллий чегараларнинг иқтисодий аҳамиятини камайтириш мақсадида худудлар ва мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. Шунинг учун тафовутларни тартибга солиш ва камайтириш Ўзбекистон Республикаси худудий сиёсати чора-тадбирларининг асоси ҳисобланади.

Тушкун ҳолатидаги худудлардаги корхоналарга ёрдам бериш масаласига келсак, шуни айтиш керакки, худудий ёрдам асосан бепул кредитлар кўринишида бўлган Ғарбий Европа давлатларидан фарқли ўлароқ, Шарқий Европа мамлакатларида субсидиялар ва солиқ имтиёзларида тижорат кредитларига устунлик берилади. Ғарбий Европа мамлакатларида давлат солиқ йиғиш билан бир вақтда олинган маблағларни тақсимлаш воситаси ҳам ҳисобланади².

Марказий ва Шарқий Европа давлатларида минтақавий сиёсатнинг кучайиши XX асрнинг 90-йиллари иккинчи ярмида кузатилди. Ўша даврнинг характерли хусусиятлари камбағал ва бой худудлар ўртасидаги худудий номуносивликнинг кучайиши ва шунга мос равишда ижтимоий кескинлик ва ишсизликнинг ошиши эди. Ҳукуматлар худудий сиёсатнинг ҳуқуқий асосларини таъминлашда фаол иштирок этдилар. Улар амалга ошириш учун иқтисодий ривожланиш интенсивлиги, мавжуд ресурслар, мамлакатнинг институционал тузилиши ва давлат бошқаруви туридан келиб чиқиб, амалга ошириш учун қайси турдаги яъни, миллий яқинлашув сиёсати ёки минтақавий конвергенция (ички минтақавий фарқларни камайтириш) бўйича худудий сиёсатни танлашни аниқлашлари керак эди.

¹ Прудникова Л. А. Опыт преодоления социально-экономических диспропорций развития регионов зарубежных стран Экономический вестник. 2010. №3(21). С. 32-35.

² Gorzelak, G. (2006) The Regional Dimension of Transformation in Central Europe. London, Routledge. p. 152. 160 с.

Шарқий Полша худудларининг рақобатбардошлик даражасининг сезиларли даражада ошиши иқтисодий ҳаётни йўлга қўйиш, кучли иқтисодий инфратузилма базасини (транспорт, муҳандислик, инновация, ахборот ва бошқалар) яратишда таркибий сиёсатнинг муваффақиятидан далолат беради. Европа интеграцияси шароитида минтақа иқтисодиётини таркибий ўзгартиришнинг асосини оқилона ихтисослаштириш императивлари ташкил этади¹. Умуман олганда, "ақлли ихтисослашув Европанинг яхши қўшничилик сиёсати доирасидаги ҳамкорликнинг асосий таркибий қисми бўлиб, Ўзбекистон Республикаси таркибий ва инвестиция фондларидан фойдаланиш имконияти бўйича, бу худудий сиёсат бўйича кўрсатмаларни шакллантиришга имкон беради.

Полша ва Чехияда муаммоли худудларни иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида инфратузилма ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришда молиявий ҳамда техник ёрдамнинг комбинацияси қўлланилади. Чехия иқтисодий ва таркибий жиҳатдан заиф худудларни белгилайди, Полшада эса заиф ривожланган ва энг кулай ривожланиш шароитларига эга бўлган худудларга бўлинган қонуний равишда қўллаб-қувватланадиган худудлар кўзда тутилади. Венгрияда худудий ривожланишни қўллаб-қувватловчи худудлар тузилмавий ўзгаришларга дучор бўлган кам ривожланган худудларга, асосан қишлоқ хўжалиги ва нокулай шароитларда чегарадош худудларга таснифланади².

Венгрияда асосий худудий ривожланиш дастурлари мамлакатнинг барча худудлари учун умумий тамойилларга асосланади ва туманга ажратилган ресурслар миқдори ва худудий даражада белгиланган дастурнинг устуворлигига қараб фарқланади. Словения марказий ҳукумат томонидан назорат қилинадиган молиялаштириш йўналишларини бошқаради, унга кўра очиқ тендерлар асосида шаҳар ҳокимиятларига субсидиялар ва кредитлар берилди³. Улар, биринчи навбатда, инфратузилманинг асосий элементларини ривожлантиришни биргаликда молиялаштириш учун мўлжалланган, лекин улар ривожланиш дастурлари ва ижтимоий хизматлар соҳасини такомиллаштириш усулларини ишлаб чиқиш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Словения муаммоли худудларни иқтисодий жиҳатдан заиф минтақалар ёки муниципалитетларга, таркибий муаммолари ва ишсизлик даражаси юқори бўлган минтақа ёки муниципалитетга, ривожланиши чекланган ва салоҳияти чекланган минтақаларга бўлинишни жорий қилди⁴.

Эстонияда мавзу доирасида ҳар бир худуд учун алоҳида дастурлар ишлаб чиқади. Эстониянинг саккизта худудий ривожланиш дастури қуйидаги периферик, монофункционал аҳоли пунктлари, ороллар худудларни қамраб олади. Руминия давлатнинг худудий сиёсатини тез институционализация қилаётган мамлакатдир. Руминияда марказий ҳокимият органлари тизимида Минтақавий ривожланиш миллий кенгаши ташкил этилган бўлиб, унинг ваколатига худудий ривожланиш миллий дастурини ишлаб чиқиш, миллий худудий ривожланиш жамғармаси маблағларининг сарфланишини назорат қилиш, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, худудлар ўртасидаги ҳамкорлик ва қўллаб-қувватлаш киради⁵.

Худудларни ривожлантириш агентликлари эса бевосита худудларда фаолият юритади, улар асосан худудий ривожланиш стратегияси ва маблағлардан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқиш ҳамда кенгашлар томонидан тасдиқланганидан кейин уларни амалга ошириш билан шуғулланади. Бу жараён анча мураккаб эди, чунки худудлар сунъий

¹ Сторонянская И. З., Прокопюк А. Формирование новой модели регионального развития: опыт и векторы для региона. Региональная экономика. 2018. №2 (88). С. 89-97.

² Куриляк М. Ю. Эволюция концепции «Европа регионов» региональной политике ЕС. Экономический вестник. 2018. № 2. С. 60-67.

³ Pasichnyk O. S. Regional policy of the Central-Eastern countries of Europe in the context of integration priorities. Scientific Bulletin Chernivtsi Trade and Economic Institute. 2007. Vol. 1. P. 197– 204. URL: <https://er.nau.edu.ua/handle/NAU/16326> (access date 10.11.2016).

⁴ Ветлугин С. Ю. Региональная политика зарубежных государств: альтернативные подходы. Проблемы современной экономики. Евразийский международный научно-аналитический журнал. 2004. № 4 (12). С. 183–186. URL : <http://www.m-economy.ru/art.php?nArtId=590> (дата звернення: 17.03.2018).

⁵ Перов А. В. Неравномерность пространственного экономического развития региона: дисс. ... канд. экон. наук: 08.00.01, 08.00.05 / РФ, Иваново, 2009. URL: <http://www.disscat.com/content/neravnomernost-prostranstvennogo-ekonomicheskogo-razvitiya-regiona#ixzz2jJMwPLIM> (дата звернення: 26.02.2017).

равишда бирлаштирилган, макроминтақалар ҳақиқатда яратилган. Консолидацияланган ҳудудларни бошқариш ва бирлаштирилган ҳудудий бирликларнинг янги муаммоларини ҳал қилиш амалиёти Ўзбекистон Республикасида янги жамоалар ва янги туманларни ривожлантириш стратегияларини шакллантиришда ҳам қўлланилиши мумкин.

Шундай қилиб, бошқа мамлакатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, минтақавий ривожланишнинг ўхшаш муаммолари - маълум ҳудудларнинг депрессияси, маҳаллий ишлаб чиқаришни фаоллаштириш учун рағбатларнинг йўқлиги, асосий фондларни жойлаштириш, АКТни ривожлантириш ва ривожланишни таъминлаш муаммолари билан боғлиқ. Бундай муаммолар аксарият ҳудудларни бирлаштиради, уларни ҳал қилишнинг умумий воситаларини излаш мамлакат иқтисодий маконини мустаҳкамлаш ва минтақалараро алоқаларни кенгайтириш йўллари билан бирига айланиши мумкин. Самарадорлигини исботлаган ютуқлар Ўзбекистон Республикасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Номутаносибликни тартибга солиш учун шунга ўхшаш мезонларни маҳаллий ҳокимият органлари ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўз стратегияларини шакллантириш учун асос сифатида олишлари керак. Депрессияни енгиш учун аҳоли сони катта бўлган ёки аҳоли яшамайдиган ҳудудларга эга бўлган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш, кўрсаткичларни кўпроқ ёки камроқ тушунарли даражада таққосланадиган даражага етказиш – ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва макроиқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги кўрсаткичларда сезиларли фарқ бўлган мамлакатларнинг бюджетини қўллаб-қувватлаш тажрибасидан фойдаланиш тавсия этилади. Бироқ, шу билан бирга, номутаносибликни тартибга солиш воситалари ва уларни қўллаш шартлари ўзгартирилиши керак.

Номутаносибликни тартибга солиш воситаларини белгилашда мамлакатлар кўпинча иқтисодий самарадорлик ёки ижтимоий адолатга эришиш олдида танлов туради. Тушқунликка тушган ҳудудларга давлат томонидан бевосита ёрдам кўрсатиш воситалари:

- шошилиш зарурат – оғир вазият, табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш зарурати юзага келганда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан аҳолига мақсадли ёрдам кўрсатиш,

- ривожланишни рағбатлантириш мақсадида тушқун ҳудудларни - уларнинг инсон, ишлаб чиқариш ва молиявий капиталини миллий лойиҳаларга жалб қилиш;

- туризм, сармояларни ёйиш ва иқтисодиётни янада ривожлантириш учун рағбатлантирувчи гуманитар лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

- асосий воситаларни ушбу ҳудудларга ўтказиш;

- ахборот ва компьютер технологияларини ва уларга хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдан иборат бўлиши керак. Яқин кўрсаткичларни тенглаштириш механизмидан кўра, ички ривожланиш захираларини фаоллаштириш мақсадида иқтисодий салоҳиятни тартибга солиш механизми афзалроқдир. Қўллаб-қувватлаш воситалари ички ўсишни рағбатлантириш ва ривожланиш учун рағбатлантириш чоралари билан бирлаштирилиши керак. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан Ўзбекистон Республикасида ривожланиш номутаносиблигини тартибга солиш тизимини шакллантириш имкониятлари ва йўналишларини тавсия этамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Минтақавий ривожланиш номутаносиблигини тартибга солиш бўйича бошқа мамлакатлар тажрибаси ва Ўзбекистон Республикасида ундан фойдаланиш йўналишлари

Мамлакатлар	Номутаносибликни тартибга солиш усуллари ва воситалари	Ўзбекистон Республикасида тажрибалардан фойдаланиш
1. Европа моделлари		
Умумий Европа Иттифоқи мамлакатлари	Ривожланиш потенциалини аниқлаш режаларини ишлаб чиқиш. Европа Иттифоқининг таркибий фондлари ҳисобидан молиялаштириш,	Шу каби институтларни шакллантириш ва тушқун ҳудудларни молиялаштириш учун таркибий фонд-

	ривожланмаган ҳудудларга ёрдам бериш.	ларни яратиш тамойилларидан фойдаланиш
Полша, Чехия, Эстония	Инфратузилма ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, инновацион асосда рақобатбардошлик даражасини ошириш, аҳоли бандлигини, даромадларини оширишга кўмаклашиш учун молиявий ва техник ёрдамнинг комбинацияси. Ҳудуднинг ривожланиш даражасига қараб ёрдам ажратиш табақалаштирилган ривожланиш ва қўллаб-қувватлаш.	Тадбиркорлик ва инновацион соҳани ривожлантиришга кўмаклашиш Ҳудудларни молиялаштиришда аниқ табақалаш.
Венгрия, Руминия	Барча ҳудудларга умумий ёндашув ва ҳар бир ҳудуднинг устуворлигини бирлаштириш, янги консолидацияланган ҳудудларда сиёсатни амалга ошириш бўйича миллий ва минтақавий дастурларнинг мувофиқлаштирилган ҳаракатлари	Миллий, ҳудудий ва маҳаллий ривожланиш мақсадларини мувофиқлаштириш
Германия, Италия	Ёрдам олиш, молиявий ёрдам кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ҳудудлар сони чекланганлиги. Ривожланмаган ҳудудларни миллий лойиҳаларга инфратузилмавий жалб этишга кўмаклашиш	Инфратузилмани ривожлантириш Ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳудудлар учун мезонларни аниқлаш
Буюк Британия	Ресурсларни мажбурий қайта тақсимлаш	Вақтинчалик бандлик дастурларини кенгайтириш
Франция	Тушунган ҳудудларни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш. Саноат ривожланишини рағбатлантириш	Тушунган ҳудудларни ажратиш ва уларни молиялаштириш мезонларини қайта кўриб чиқиш Саноатни ривожлантириш учун кредитлар бериш
Швеция, Дания, Норвегия, Финляндия	Ҳудудларнинг иқтисодий афзалликлари ва иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш Қувват ва ресурсларни марказсизлаштириш Давлатнинг минтақавий ва маҳаллий лойиҳаларда иштироки	Ҳудудларнинг ақлли ихтисослашувини қўллаш. Жамоалар, туманлар ва вилоятлар ролини янгилаш. Минтақавий лойиҳаларда давлат ролини аниқлашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш
2. Кенг миқёсли ҳудудлар ва/ёки ривожланмаган ҳудудларга эга мамлакатлар, шу жумладан ва баъзи Европа мамлакатлари: АҚШ, Канада, Австралия, Швеция, Дания, Норвегия, Финляндия, Хитой, Ҳиндистон, Чили, Япония, Бразилия ва бошқалар.		
АҚШ	Инфратузилмани ривожлантиришга давлат ёрдами, биринчи навбатда, йўл қурилиши Ривожланиш марказлари сифатида ҳудудий кластерларни шакллантириш	Йирик ривожланиш лойиҳаларида давлат иштирокини аниқлаш. Кластерларни шакллантириш
Хитой	Ички бозорни кенгайтириш Тушунган ҳудудларда ўсиш нуқталарини яратиш АКТни ривожлантириш. Ишлаб чиқариш ва инновацион инфратузилма объектларига сармоя киритиш. Кенг қўламли ривожланиш дастурларини давлат томонидан молиялаштириш.	Тушкун ва кам ривожланган ҳудудларда АКТ ривожланишини рағбатлантириш. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш

Канада	Ривожланиш лойиҳаларини молиялаштиришда давлатнинг муҳим роли ва улуши. Янги ҳудудларни ўзлаштиришда, ижтимоий сиёсат ва илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда вилоятларнинг ваколатларини ошириш. Иқтисодий ривожланмаган ҳудудларга давлат ёрдами. Ҳудудлараро лойиҳаларни ишлаб чиқиш.	Ҳудудлараро ва шаҳарлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш. Маҳаллий ривожланиш салоҳиятини фаоллаштириш
Япония	Макондан фойдаланиш самарадорлигини ошириш АКТни ўсиш нуқталари сифатида ривожлантириш Ижтимоий ваколатларни бошқарувнинг асосий даражасига ўтказиш	Аҳолисиз ҳудудларнинг иқтисодий айланмасида иштирок этиш
Бразилия	Ҳудудларда амалга оширилаётган лойиҳаларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш. Саноатнинг айрим тармоқларини (асосан, казиб олиш саноати) ривожлантиришни рағбатлантириш.	Иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришни молиялаштириш
Австралия	Ҳудудлар муаммоларини ҳал қилиш учун давлатларга субсидиялар бериш	Ҳудудларга ёрдам кўрсатиш мезонларини аниқлаш

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, бошқа мамлакатлар тажрибасига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикасидаги номуносивбликни тартибга солиш тизими қуйидаги элементларга асосланиши мумкин:

ривожланиш кўрсаткичлари пастроқ бўлган ҳудудларга ёрдам кўрсатиш учун институционал асосни яратиш билан бирга ресурслар билан таъминлашдан фойдаланиш - иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришнинг турли воситаларидан фойдаланиш, ҳудудларнинг ақлли ихтисослашувини шакллантириш;

иқтисодий ташаббусни рағбатлантириш ва ўсиш майдонини қўшни ҳудудга тарқатиш учун нуқта лойиҳаларини шакллантириш;

ўзлаштирилмаган ҳудудлар - тоғли, чекка, қишлоқ хўжалик айланмасига кенгрок жалб этиш;

асосий воситаларни реал секторнинг анъанавий соҳаларида ҳамда хизмат кўрсатиш иқтисодиётини ривожлантириш ва ахборот жамияти қуриш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда АКТ ва хизматлар соҳасида жойлаштириш бўйича янада самаралироқ сиёсат олиб бориш;

инфратузилмани ривожлантиришни рағбатлантириш;

ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича нодавлат ташаббусларининг ишлашини таъминлаш;

бандликнинг ўсишини рағбатлантириш ва бандлик учун янги шарт-шароитларни яратиш;

-давлат молиявий ёрдамидан маҳаллий муаммоларни ҳал қилиш учун қўшимча, аммо етакчи бўлмаган манба сифатида фойдаланиш. Ўзбекистон Республикасидаги номуносивбликни тартибга солишни бошқа мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда модернизация қилиш бўйича чора-тадбирлар (инвестицияларни тўғридан-тўғри тақсимлаш, давлат-хусусий шериклик, ҳудудлараро ҳамкорлик)ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида ҳудудий ривожланиш номуносивблигини тартибга солиш бўйича кўрсатилган ва таклиф этилаётган воситалардан фойдаланиш йўналишлари ички меъёрларга мувофиқ тузатилиши, ижобий самарани таъминлаш учун шарт-шароитлар, шунингдек, стратегик ҳужжатларда тегишли тарзда ҳудудларни ривожлантиришга оид амалга оширилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Acharya, A. (2012). Comparative Regionalism: A Field Whose Time has Come? The International Spectator: Italian Journal of International Affairs, 47 (1), 3–15.
2. Baykov, A. A. (2012). Comparative Integration. Practice and Models of Integration in Foreign Europe and Pacific Asia. Moscow: Aspekt Press publ. (In Russian).
3. Fawcett, L. (2016). Regionalism by Emulation: Considerations across Time and Space. In: Telo, M., Fawcett, L. & Ponjaert, F. (Eds.). Interregionalism and the European Union. Post-revisionist Approach to Europe’s Place in a Changing World. Abington: Routledge. P. 33–55.
4. Haas, E. (1975). The Obsolescence of Regional Integration Theory. Berkeley: Institute of International Studies, University of California.
5. Hettne, B. (2005). Beyond the “New Regionalism “New Political Economy, 10 (4), 543–571. DOI:10.1080/13563460500344484
6. Katzenstein, P. J. (1996). Regionalism in Comparative Perspective. Cooperation and Conflict, 31 (92), 123–159.
7. Kuznetsov, D. A. (2016). Trans: Problems of Terminology and Conceptualization. Comparative Politics, 7 (2), 14–25. DOI: 10.18611/2221–3279–2016–7–2(23)–14–25.
8. Lagutina, M. (2020). A Concept of Eurasia: from Classical Eurasianism to Pragmatic Eurasianism. In: Lagutina, M. (Eds.). Regional Integration and Future Cooperation Initiatives in the Eurasian Economic Union. IGI Global. P. 1–15.
9. Lagutina, M. (2019c). BRICS in a World of Regions. Third World Thematic: A TWQ Journal, 4 (6), 442–458.
10. Mikhaylenko, E. & Mikhaylenko, V. (2020). Eurasian: Specifics, Problems and Prospects. In: Lagutina, M. (Eds.). Regional Integration and Future Cooperation Initiatives in the Eurasian Economic Union. IGI Global. P. 16–36.
11. Mitrany, D. (1965). The Prospect of European Integration: Federal or Functional. Journal of Common Market Studies, 4 (2), 119–149. DOI: 10.1111/j.1468–5965.1965.tb01124.x
12. Söderbaum, F. (2005). Exploring the Links between Micro-mintaqashunoslik and Macro-. In: Farrell, M., Hettne, B. & Van Langenhove, L. (Eds.). Global Politics of: Theory and Practice. London: Pluto Press. P. 87–103.
13. Söderbaum, F. (2009). Comparative Regional Integration and Mintaqashunoslik. In: Landman, T. & Robinson, N. (Eds.).
14. Telo, M. (2007). European Union and New regionalism: Regional Actors and Global Governance in a Post-Hegemonic Era. Cornwall: Ashgate Publishing.

<p>Б.Муллабаев</p> <p>Использование зарубежного опыта в снижении неравенства в региональном развитии</p> <p>Аннотация: в данной статье раскрываются пути рационального использования опыта развитых стран в регулировании дисбаланса регионального развития Республики Узбекистан.</p> <p>Ключевые слова: региональное развитие, неравенство, инновационный процесс, критерии, региональная политика, ресурсы, интеграция.</p>	<p>B.Mullabaev</p> <p>Use of foreign experiences in reducing disparity in regional development</p> <p>Abstract: this article reveals the ways of rational use of the experience of developed countries in regulating the regional development imbalance of the Republic of Uzbekistan.</p> <p>Keywords: regional development, disparity, innovation process, criteria, regional policy, resources, integration.</p>
--	---

Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов – СамИСИ, Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИККИНЧИ РЕНЕССАНСГА АСОС СОЛИШДА АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАРНИНГ ХИЗМАТЛАРИ

<p>Аннотация: Мақолада Амир Темурнинг моҳир саркардалиги ва етук давлат арбоби эканлиги туфайли Марказий Осиёда марказлашган давлат тузиши Иккинчи Ренессансга асос солганлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган. Амир Темур ва темурийларнинг илм-фан ва маданият хомийси сифатидаги хизматлари ҳамда уларнинг жамият тараққиётини таъминлашда тутган ўрни масаласига асосий эътибор қаратилган.</p> <p>Калит сўзлар: Соҳибқирон, Тузуқлар, Ренессанс, фан, маданият, фалсафа, математика, адабиёт, расадхона, хандаса, география, машварат, салтанат, қонун, Зафарнома, Оқсарой.</p>
--

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

06.03.2024 йилда теришга берилди. 29.03.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0024А/30.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.